



## QASHQADARYO VILOYATI MIRISHKOR TUMANI HOKIMINING QARORI

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani Yangi Mirishkor shaharchasi, tel: 652-18-58, 652-10-34, faks: 652-14-65, 652-19-48

2021 - yil 18 - may

160-4-63-Q/21

Mirishkor tumani hokimiyati

### **Миришкор туман Чаманзор МФЙ худудидаги захира ерларидан фуқаро Авазов Паҳлавон Қахрамоновичга фермер хўжалигини юритиш учун ер участкасини узок муддатли ижарага бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24, 53 моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сон қарори, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини инобатга олиб,

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1 Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро **Авазов Паҳлавон Қахрамоновичга** пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун туман ҳокимлиги захира ерларидан С.Муродов массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 616, 617-контурларида жойлашган жами 46.67 гектар шундан 45,45 гектар суғориладиган экин ери, 0,90 гектар ихотазор ери, 0.27 гектар сув ости ери ва 0.05 гектар бошқа ер майдонлари 49 йил муддатга ижарага берилсин.

3. “Диёрбек Қурама кўзгуси” фермер хўжалиги раҳбари **Авазов Паҳлавон Қахрамонович**га ер участкасига бўлган кадастр йиғма жилдларини шакллантириш, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаат қилиш (*Давлат хизматлари маркази орқали буюртманомага асосан*), ер участкасидан белгиланган мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Кадастр агентлиги Миришкор туман бўлими (Б.Хосиятов) ажратилган ер участкасидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини доимий назорат қилиб борсин.

5. “Диёрбек Қурама кўзгуси” фермер хўжалиги раҳбари **Авазов Паҳлавон Қахрамонович**нинг аризасида кўрсатилган мол-мулклар устав капиталга киритилмаганда, ер ижара шартномаси суд орқали бекор қилиниши огоҳлантирилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашидан сўралсин.

7. Кадастр палатаси Миришкор туман филиали (А.Қаххоров) ажратилган фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгиласин ҳамда давлат ер кадастри ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

8. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Ж.Абдиназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Ч.Санаев